
Солиқ хизмати-инсофли солиқ тўловчининг ишончли хамқори !

Қува туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан **“Солиқчи-тадбиркорга кўмачи”** тамойили доирасида кўмаклашиш лозим бўлган тадбиркорлик субъектларни аниқлаш, белгиланган мезонларга кўра амалий ёрдам кўрсатилиши керак бўлган корхоналар рўйхати шакллантирилиб, уларга тадбиркорлик фаолиятини қонунларда белгиланган тартибда юритиш ҳамда солиқ қонунчилиги юзасидан тушунтириш ва кўникмалар бериб борилмоқда.

Жумладан, **2022 йил январ ойида** ўрганиш юзасидан **805 та** режа-топшириқ берилган бўлиб, маълумот кунига ҳақиқатда **810 та** ХЮС ларнинг раҳбарлари билан сўровномалар ўтказилган. Сўровномалар ўтказиш жараёнида уларнинг **49 тасига** кўмак зарур эмаслиги аниқланган бўлса, **761 тасига** кўмак зарурлиги аниқланган.

Шундан **11 тасига** дастлабки бухгалтериясини юритишга кўмаклашилган бўлса, **69 тасига** солиқ қарзи тўғрисида маълумот берилган, **17 тасига** ШХВ дан нусха олишда кўмаклашилган, **2 тасига** солиқ имтиёзлари ва уларни қўллаш тартибини тушунтирилган, **16 та** ХЮС ларнинг бир солиқ туридан ортиқча тўланган суммаларини бошқа солиқ туридан қарзларига сингдиришда кўмаклашилган ҳамда **646 та** ХЮС ларнинг солиқ органига алоқадор бошқа муаммоларини ҳал этишда, солиқ хисоботлари тайёрлашда ҳамда электрон юборишда кўмаклашилган.

Худди шунингдек, **2022 йил феврал ойида** ҳам ўрганиш юзасидан **697 та** режа-топшириқ берилган бўлиб, маълумот кунига ҳақиқатда **282 та** ХЮС ларда сўровномалар ўтказилган. Сўровномалар ўтказиш жараёнида уларнинг **66 тасига** кўмак зарур эмаслиги аниқланган бўлса, **204 тасига** кўмак зарурлиги аниқланган. Жумладан **40 тасига** дастлабки бухгалтериясини юритишга кўмаклашилган бўлса, **1 тасига** Е-актив ААТ бўйича тушунча берилган ва ундан қандай фойдаланиш бўйича кўмаклашилган, **1 тасига** Е-ижара ААТ бўйича тушунча берилган ва ундан қандай фойдаланиш бўйича кўмаклашилган ҳамда **174 та** юридик шахсларнинг солиқ органларига алоқадор бошқа муаммоларда кўмаклашилган.

Бундан ташқари, назорат касса техникаси чекини мобил иловасида сканерлаш орқали **1 % кешбекка** эга бўлиш ҳақида ҳамда юридик шахсларнинг мол мулк солиғи бўйича 2022 йилда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгаришлар мавзусида **4 та видео роликлар** таёрланиб **“Қува туман хокимлиги”**, **“Қуваликлар”** телеграмм каналларига жойлаштирилди. **“Қува Хаёти”** рўзномасининг 2022 йил 15 феврал кунги сонида **“Юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солиш тартибига қандай ўзгаришлар киритилди”** мавзусида тушинтиришлар берилган.

Хурматли Тадбиркорлар !

Тадбиркорлик фаолиятингизни юртишда қийинчиликларга дуч келябсизми, **Марҳамат !**

Қува туман Давлат солиқ инспекциясининг

“Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш” шўъбасига мурожат қилинг.

Шўъба бошлиғи Мелиев Эгамберди Рўзиматович.

Тел: 91-396-90-59, 90-534-14-07.

2022-02-21 11:31:59